



Алишер Навоийнинг "Махбуб ул-кулуб" асарида бундай танбех бор: "Кимки умрини мардлар хизмати учун сарфласа, умри ўтса ҳамки, абадий умр эгаси бўлади. Ўзингни шундайлардан узок тутма, бошинг кетса ҳам шу муддаони унутма. Умр бевафодир, мардона ҳаёт абадийдир".

Бу танбехдаги "мард" сўзи форсча бўлиб, инсон маъносини англатади. Кимки инсон номига муносиб иш тутса, у мард ҳисобланади. Навоий инсон бахт-саодати учун ўз ҳаётини бахшида этувчи кишиларнинг кўпроқ бўлишини орзу қилган. Зеро, жамият тараккиёти, инсоният тарихининг порлоқ саҳифалари фақат шундай кишиларнинг номлари ва ишлари билан боғлиқдир.

Махмудхўжа Бехбудий шундай кишилар қавмидан бўлиб, 1875 йил 19 январда Самарқанд яқинидаги (Сиёҳоб волостининг) Бахшитепа қишлоғида тугилди. Унинг шажараси, бир томондан, Аҳмад Яссавийга бориб туташса, иккинчи томондан, Урганч хўжаларига бориб такалади. Махмудхўжанинг бир бобоси Солиххўжа бўлиб, улар Самарқанднинг обрўётиборли кишиларидан ҳисобланган. Кори Ниёзхўжа XVIII асрда амир Шомуроднинг буйруғи билан Урганчдан Самарқандга кўчирилган.

Махмудхўжанинг имом-хатиблик билан шугулланган отаси Бехбудхўжа 1894 йили, кенжа фарзанди тугилишидан бир оз аввал, вафот этган.

6 — 7 ёшида тоғаси кози Мухаммад Сиддик туфайли хат саводи чиққан, сўнг XIX асрнинг 90-йилларида Чашмаоб ва Кобуд волостларида мирзолик қилган Бехбудий дунёқарашининг кескин ўзгаришида унинг Шарқ ва Ғарб мамлакат-ларига қилган сафарлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. У 1899-1900 йилларда Туркия, Миср ва Хижозга, 1903-1904 йилларда эса Россиянинг Москва, Петербург, Нижний, Козон ва Уфа сингари шаҳарларига бориб, хорижий халқлар ҳаёти билан яқиндан танишди. Мустамлака шарт-шароитида яшаган ўзбек халқи турмушини хорижий халқлар ҳаёти билан қиёслаш Бехбудийни иккиёклама зулмдан эзилган ватандошлари тақдири ҳақида қайғуришга мажбур этди.

Бу, Ўрта Осиёда жадидчилик ҳаракати уйғонган йиллар эди. Ана шундай тарихий-ижтимоий давр тақозоси билан ҳаракатга келган жадидчилик халқ ҳаётида кечаётган қашшоқланиш жараёнининг оддини олиш ҳамда жаҳолат ва сафохат ботқоғида яшаётган халққа мадад қўлини чўзишни ўзига мақсад қилиб олди. Жадидлар халқни ҳар томонлама аянчли аҳволдан ҳалос этишнинг бирдан-бир йўлини илм-маърифатда қўрдилар.

Совет хокимияти даврида худди шу нарса жадидлар дунёкараши ва фаолиятининг чекланганлиги сифатида бахоланиб келди. Холбуки, кўлларида на давлат идоралари, на сармоялари бўлган жадидлар ўзларининг фидокорлик-лари орқасида факат янги усулдаги мактаблар очиб, жадид матбуоти, адабиёти ва театрига асос солиб, улар орқали ўз гоё-мақсадларини тарғиб қилишлари ва халқ кўзига ҳақиқат кўзгусини тутишлари мумкин эди. Улар ўз кўлларида бўлган ана шу ягона имкониятдан гоё самарали фойдаланиб, маърифий инқилоб йўли билан халқни моддий фаровонлик ва бойлик сари етаклашга ҳам уриндилар. Моддий фаровонлик ва бойлик эса, улар наздида, капитализм бағрида эди. Улар халқни феодализм турмуш тарзидан капиталистик муносабатлар босқичига олиб чиқиш орқали ке-лажакда уни мустамлака кишанларидан халос этмокчи бўдилар. Шунинг учун ҳам жадидчилик ҳаракати майдонини факат маърифат жаҳаси билангина чегаралаб олиш тўғри эмас. Зеро, жадидлар ҳаракати дастурининг муҳим нуқтаси миллий мухторият ва ижтимоий тараққиёт билан бевосита боғлиқдир.

XX аср бошларида Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг қанот ёзишида Россия, Туркия ва Эрон инқилобларидан ташқари, Қрим ва Волгабўйи татарларининг матбуоти, биринчи навбатда, Исмоилбек Гаспринскийнинг "Таржимон" газетаси муҳим аҳамиятга молик. Матбуотнинг тараққийпарвар қишлоқ кўлида қудратли қурол эканлигини сезган Бехбудий 1901 йилдан бошлаб "Туркистон вилоятининг газети", "Тараққий", "Хуршид", "Шухрат", "Осиё", "Тужжор" сингари маҳаллий ҳамда "Таржимон", "Вакт" ва "Шўро" сингари қардош халқларнинг газета ва журналларида 200 дан зиёд мақолаларини эълон қилди. Ва бу мақолалари билан халқнинг басир кўзларини очишга уринди. У айни пайтда Самарқандда дастлабки усули жадида мактабларини очишга ва улар учун қўлланма ҳамда дарсликларни яратишга киришди. Бехбудий Абдулқодир Шақурий билан бирга 1903 йилда Ражабамин қишлоғида янги усулдаги биринчи мактабни очиб, сўнг 1906 йили уни шаҳардаги ховлисига қўчириб келди ва уни ўз оталигига олди. Шу йиллар-да у "Мунтахаби жуғрофияи умумий" ("Қискача умумий география"), "Маҳхали жуғрофияи Русий" ("Русиянинг қискача географияси"), "Қитобат ул-атфол" ("Болалар қито-би"), "Муҳтасари тарихи ислом" ("Исломнинг қискача тарихи") ва "Амалиёти ислом" сингари дарслик ҳамда қўлланмаларини яратди. Бу тилга олинган асарларнинг ўзиёқ Бехбудийнинг ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни пухта эгаллаган аллома бўлганидан шаҳодат беради.

Жаҳон фани ва маданияти учун Беруний ва Ал-Ҳоразмий, Ибн Сино ва Ал-фарғоний, Улугбек ва Навоий сингари даҳоларни етказиб берган халқ XIX аср ўрталарига келиб, турли объектив сабабларга қўра, Ғарб ва Шарқдаги энг қолоқ халқларнинг бирига айланган эди. Шунинг учун ҳам Бехбудий ўзининг бутун қуч ва гайратини шу халқни маърифатлаштиришга бағишлаб, нафакат публицист ва педагог сифатида, балки моҳир ташкилотчи ва янги тарихий давр гоёларининг жарқиси сифатида ҳам қизгин фаолият олиб борди.

Маърифатпарварлик фаолияти факат мактаб доираси билангина чекланмайди. Бу ҳақиқатни тўғри тушунган Бехбудий 1908 йили Самарқандда Туркистондаги дастлабки замонавий кутубхоналардан бири - "Қироатхонаи исломия"ни ташкил этади. Кейинчалик "Бехбудия кутубхонаси" номи олинган бу маърифат ўчоғи 1919 йилга қадар фаолиятда бўлиб, самарқандлик ёшлар диний ва дунёвий билимларининг шаклланишида ўз вазифасини ўтади. Бир кеча-қундузда 11 нафаргача ўқувчи шугулланиши мумкин бўлган бу кутубхона тез орада Самарқанднинг йирик зиё масканларидан бирига айланди ва

бора-бора унинг жамгармасида 1000 дан зиёд ноёб китоблар тўпланди. "Бехбудий" нашриёти эса турли дарслик ва кўлланмалардан ташкари, "Туркистон, Бухоро ва Хива хароитаси"ни босиб чикарди. Тиниб-тинчимас инсон ўз гоё ва карашларининг кенг халк оммасига етиб бормаётганлигини кўриб, ё саводсизлиги, ёхуд кўлининг калталики килаётгани оркасида маърифат нурларидан бебахра қолаётган одамлар учун миллий театрни яратишни лозим, деб топди ва хали дунёга келмаган ўзбек театри учун 1911 йили "Падаркуш" пьесасини ёзди.

Бехбудий бошлик ўзбек жадидларининг халкни маърифатлаштиришга қаратилган фаолияти, бир томондан, чор Россияси, иккинчи томондан, Бухоро амирлигининг каттик қаршилиги остида кечди. Жадидларни ўзининг ашаддий душмани деб билган амир ва унинг мутаассиб қуршови қаердаки бир жадидни кўриб қолса, уни ўлдирди, қофир деб эълон қилди, халк оммасида жадидларга қарши ишончсизликни, нохуш қайфиятни, нафрат ва қазабни уйғотиб, бу носоглом туйғуларни алангалатиб турди.

1914 йилнинг 3 январида Самарқанддаги Улугбек мадрасасининг жомесида ўқилган жума намозидан сўнг муаззин беш-олти минг мусулмон хузурида нутқ сўзлаб, "усули жадидчиларнинг ва русча ўқутмоққа ташвиқ қилатургонларнинг қофирлиги ва ҳар ким боласини усули жадида мактабига берса, ўзи қофир, хотини талок бўлиши"ни эълон қилди. Уламанинг буйруғи билан эълон қилинган бу тақфир яшин тезлигида бутун Туркистонга тарқалиб, жадидлар мушқул бир аҳволга тушиб қолдилар.

Бундай мураккаб вазиятда Бехбудий сингари оқил ва фозил жадидлардан усули жадида мактаблари ва уларнинг муаллимларини диний далиллар кўмагида химоя этиш талаб этилар эди. Муфти Бехбудий ўз зиммасига тушган бу масъулиятли вазифани шараф билан адо этиб, уламанинг ўзини тақфирдан, яъни жадидларни қофир деб эълон қилганидан тонишга мажбур этган.

1911 йили Бехбудий каламидан чиққан "Падаркуш" пьесаси ҳам чор ҳукуматининг каттик қаршилигига учрайди. Тадбиркор драматург 1912 йили Бородино жангининг 100 йиллиги нишонланаётган кунларда асарни ана шу санага бағишлаш орқали ишончли дўстлари ёрдамида матбуот ишларининг Тифлис кўмитасидан рухсатнома олиб, уни чоп этиш ва сахналаштиришга эришди.

1914 йилнинг 15 январида Самарқанддаги Халқ уйида Озарбайжон режиссёри Алиаскар Аскарров сахналаштирган "Падаркуш"нинг биринчи марта намойиш этилиши ўзбек халқининг маданий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Шу кунга ўзбек миллий театри дунёга келди. Бехбудий биринчи ўзбек драмасининг муаллифигина бўлиб қолмай, уни сахналаштиришда иккинчи режиссёр сифатида ҳам иштирок этди. Асарда ўқимаган боланинг падаркушга — отасининг қотилига айланиш жараёни тасвирланар экан, Бехбудий илм-фаннинг шахсининг қандай инсон бўлиб шаклланишидаги ролни кўрсатиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Асардаги ўқимаган бола минглаб ўзбек болаларининг биригина эмас, балки маърифатдан бебахра қолиб қолаётган ўзбек халқининг жонли тимсоли ҳам. Бехбудий шу халққа мурожаат этиб, "Агар сиз ўқиб, илми — маърифатли халқ бўлмасангиз, ўзингизнинг кадр-қимматингизга етмасангиз, ота-боболаримиздан қолган муборак ўлканинг бундан кейин ҳам хонавайрон бўлишига йўл қўйган бўласиз", дегандек бўлади. Театрни ибратхона, ваъзхона деб билган адиб театр орқали халқ оммасига таъсир ўтказмоқчи, унинг онгига, миясига миллат, ватан, хуррият ҳақидаги тушунчаларни сингирмоқчи бўлди.

"Падаркуш" драмаси тез орада Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида намойиш этилиб,

янги санъат турининг катта истикболга эга эканидан дарак берди. Бехбудий асардан тушган маблагнинг сарф-харажатдан ортган барча кисмини жадид мактаблари фойдасига ўтказди. Ва шу факт билан хам хаётининг бирдан-бир максоди ўзбек халкини маърифат манзиллари оркали миллий тараккиёт довларига етаклаш эканини исбот килди.

Бехбудий фаолиятининг мухим бир кисмини журналистика ташкил этади. 1913-1914 йилларда "Самарканд" газетаси ва "Ойна" журналини нашр этган адиб астрономия, археология, география, этнография, тиббиёт, халк хўжалиги сингари ранг-баранг мавзулардаги маколалари билан ўзбек зиёлиларининг янги бир авлоди етишиб чикишига сабабчи бўлди. "Маърифатсиз миллат инкирозга махкум-

дир", деган учкур сўзларни ўзига шиор килиб олган адиб бу нашрларнинг том маънода ўзбек маърифатпарварларининг минбари бўлиб қолиши учун тинимсиз кайгурди.

Журналистика тарихидан бизга шу нарса маълумки, кози Рашидхон Иброхим ўгли (Абдурашид Иброхимов) 1902 — 1909 йилларда "Миръот" ("Кўзгу") деган журнални нашр этган. 1910 йили шу ном остида Озарбайжонда хам журнал чикиб турган. Бехбудий ўз журнали учун "Ойна" номини танлар экан, салафлари бошлаган ишни давом эттириб, журнални бир варакай тўрт тилда — ўзбек, форс, араб ва рус тилларида чоп этмокчи ва унга Ўрта Осиёда яшовчи барча маърифатпарвар кишиларни жалб этмокчи эди.

Афсуски, у журналнинг факат нишона сонинигина тўрт тилда нашр этиб, кейинги сонларида факат ўзбек ва форс —тожик тил-ларидаги маколаларни ёритиш имконига эга бўлди. Лекин у муштарийларни Франция билан Япония оралигида жойлашган мамлакатлар ва халклар хаёти билан таништиришга, ўз "Ойна"сида XX асрнинг 10-йилларидаги жахон сиёсий-ижтимоий, маданий ва маиший хаёти лавхаларини акс эттиришга муваффақ бўлди. Хаммаси бўлиб, 68 сони нашр этилган журналда ёш Чўлпондан тортиб Фитрат, Абдулла Кодирий, Садриддин Айний, Тавалло, Хожи Муин, Холмухаммад Охундий, Саид Ахмад Васлий, Фахриддин Рожий, Вяткинга кадар — ўша даврнинг кўзга кўринган қарийб барча зиёлилари иштирок этишган.

Бехбудий хайрия жамиятларини ташкил этиб, тушган ионалар хисобига истеъдодди ёшларни Кохира, Петербург сингари Шарк ва Гарб мамлакатларидаги илмий марказларга юбориш, уларнинг нафакат туркий ва форсийни, балки араб ва рус тилларини хам эгаллашларига даъват билан чикди. У ўзбек халкининг "жадид" ва "кадим"га, бой ва камбагалга бўлинишига чек кўйиш хамда ватан равнаки учун хизмат килиш лозимлигини уктирди. 1917 йил Февраль инкилобидан кейин эса рус цензурасининг паришон холатидан фойдаланиб, халкни мухторият учун курашга даъват этувчи маколалар билан чикди. "Хак олинур, берилмас" деган шиор биринчи марта 1917 йил июлида Бехбудий томонидан ўртага ташланди.

У "Хуррият"газетасининг 1917 йил 19 ноябрь сонида эълон килинган маколасида куйидаги сўзларни шу пайтгача олиб борган ишларнинг тантанаси сифатида шавк-завк билан ёзди: "27 ноябрь Кўкрнда Туркистон мухторияти умумий мусулмон съездида эълон килинди. Муборак ва хайрли бўлсин! Камина хам мажлисда бўлушдан ифтихор этаман. Яшасин Туркистон мухторияти!"

Бехбудийнинг Туркистон мухториятини ташкил этишдаги кизгин харакатлари ўзбек жададчилик харакатининг, шу жумладан, Бехбудийнинг хам асосий максоди маърифий инкилоб ва ижтимоий ислохотлар оркали мухториятга, мухторият оркали эса миллий истиклол ва ижтимоий тараккиётга эришиш эди.

Бехбудий Туркистон Мухторият ҳукумати тугатилгандан кейин кўп яшамади. Шунинг учун

хам унинг кейинги хаёти ва фаолияти саҳифалари биз учун коронги. Биз унинг шу вақт ичида маориф соҳасида иш олиб борганини яхши биламиз. Бехбудий билан шу йилларда Самарканд шаҳар маориф муассасасида ҳамкорлик қилган В.Шчигор фамилияли кимса бу ҳақда қуйидаги маълумотни берган:

"У қарийб ҳар доим мактаб комиссияси йигилишларига ҳаммадан илгари келар ва унинг ишида ҳар доим фаол иштирок этар эди. Асосан Эски шаҳарда истикомат қилган мусулмон аҳолиси ўртасида маориф ишларини йўлга қўйиш масаласи унинг диққат марказида бўлган. У Эски Самарканд учун мактаб қурилиши лойиҳасини (комиссияга) тақдим этган эди. У қатор бошланғич мактабларни очиш билан бирга айни пайтда ўқитувчиларни тайёрлаш учун қисқа муддатли курсларни очишни ҳам режалаштирган эди. Бу курсларга эса Бехбудийнинг ўзи сингари янги усул тарафдорлари бўлган ўқитувчиларни қабул қилиш назарда тутилган эди".

Афсуски, Бехбудийнинг сирли ўлими билан унинг оламшумул режалари амалга ошмай қолди.

Махмудхўжа Бехбудийнинг фожиали равишда ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабар етиб келгач, 1920 йили Самаркандда чоп этилган "Меҳнатқашлар товуши" газетаси бундай ёзган: "Махмудхўжа Бехбудий Туркистон деган ўлканинг бошлиги эди. Махмудхўжа Туркистоннинг йўлбошчиси эди. Махмудхўжа ўзининг Туркистон боласи эканини тушунган бир йигит эди. Шунинг учун у бизга, Туркистонга ҳар нарса эди... Махмудхўжа Туркистоннинг янгилик даври тарихида

ёруғ бир чирог эди. Махмудхўжанинг оти Туркистон тарихида зийнатлик мумтоз ўринни олишга муносиб бир отдир".

"Зийнатлик мумтоз ўрин"га муносиб ана шу зот ўзбек халқи тарихига XX аср бошларида кенг қанот ёза бошлаган жадид маърифатпарварлари ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири сифатида қиради. Файзулла Хўжаевнинг сўзлари билан айтганда, сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидлари орасида унга тенг келадиган киши бўлмаган.

Афсуски, Бехбудий ва унинг адабий мероси сўнгги йилларга қадар эътибордан четда қолиб қолди. Фақат ўзбек тупроғига мустақиллик баҳори қариб келгандан кейингина Бехбудий ҳақида бор овоз билан, ифтихор туйғуси билан сўзлаш имконияти тугилди.

"Бехбудий ҳазратлари қўринишда гоят маҳобатлик ва салобатлик эди", деб ёзган эди у ҳақда Садриддин Айний.

1916 йилда Тошкентга илмий сафар билан келган академик А.Н. Самойлович ўша кезлардаги адабий жараён билан танишиб, "Туркистондаги янги адабиётнинг маркази Самаркандда бўлса керак, ёш ёзувчиларнинг бош илхомчиси сифатида эса...

самаркандлик муфти Махмуд Бехбудийни эътироф этиш лозим", деб ёзган. 1929 йилда Қозонда босилган "Ўзбек адабиёти" китобида эса "Ўзбек миллий адабиётининг тамал тошини Бехбудий билан Фитрат қўйган", деган сўзларни ўқиймиз.

Назаримда, бу сўнгги сўзларни бир оз таҳрир қилиб, XX аср ўзбек адабиёти пойдеворига дастлабки гиштлардан бирини Махмудхўжа Бехбудий қўйган, десак, тўғрироқ бўлади.

Ўзбек жадидчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири, ўзбек театрининг асосчиси, маърифатпарвар адиб ва журналист Махмудхўжа Бехбудийнинг маърифат ва хуррият ҳақидаги, истиқлол ва истиқбол ҳақидаги орзу ва умидлари бугун, мустақил ўзбек диёрида рўёбга чиқиб турибди.

Наим Каримов